

## VISUAL BASIC МУҲИТИДА МИЛЛИЙ МЕССЕНЖЕР ДАСТУРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

**Каландарова Шахноза Одилбек кизи**

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали талабаси

E-mail: [shaxnoza.tuit@gmail.com](mailto:shaxnoza.tuit@gmail.com)

**Одилов Нодир Одил угли**

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали талабаси

E-mail: [nodirodilovofficial@gmail.com](mailto:nodirodilovofficial@gmail.com)

**Алламов Ойбек**

(илмий рахбар) Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч  
филиали (Ўзбекистон)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мессенжерлар ва миллий мессенжер *My agent* ҳақида маълумот ва улардан фойдаланиш афзалликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Глобал ва локал тармоқларда миллий мессенжернинг яратилиши ва интерфейслари ҳақида ҳамда ундан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилган.

**Калит сўзлар:** “My agent”, сервер технологияси, интерфейс, дастурий клиент.

### ABSTRACT


This article is about messengers and national messenger «My agent» and given information implementation of them. It gives information about creating national messenger for global and local networks and interface of My agent messenger.

**Keywords:** “My agent”, server technology, interface, software client.

Ахборот-коммуникация тизими ривожини республика иқтисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантириш учун қуйидаги вазифа-ларни биринчи ўринда ҳал этиш талаб этилади. Соҳа ривожини учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, соҳада мулкӣ муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозорини давлат томонидан қўллаб қувватланишини кучайтириш, соҳада фаолият юритаётган фирма ва компаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, энг асосийси, соҳанинг республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб

берадиган оқилона бошқарув тизимини яратиш ва бу йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Табиийки бундай сифат ўзгаришлари чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Айниқса бу илмий тадқиқотлар бугунги бозор муносабатлари шаклланаётган жамиятимиз тараққиётига ўзининг беқиёс хиссасини қўшади.


Бугунги кунда замонавий коммуникация асосида янги ахборот технологиялари яратилмоқда. Бу иш юритишнинг қағозсиз усули бўлиб у — «Электрон почта», «Мессенжер дастурлари», «Интернет хизматлари», «Компьютер графикаси» ва «Оптик дисклар» орқали ўз аксини топган. Мессенжер дастури фойдаланувчиларни ўзаро маълумот алмашиш хизматини кўрсатади. Ҳозирда мавжуд мессенжерлар электрон почталар ёки телефонлар орқали рўйхатдан ўтишга ва ундан фойдаланишга мослаштирилган. Мессенжерлар дунёни турли жойларида жойлашган фойдаланувчиларни бир бири билан боғлайди. Керак бўлса файл кўринишидаги маълумотларни алмашиш имконини ва online кўришиб мулоқат қилиш хизматларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Яратилган ушбу хизматлар фойдаланувчиларга қулайлик яратиши билан бир қаторда уларнинг суҳбат ва маълумотларини дастур муаллифлари томонидан сотилиши ёки турли мақсадларда фойдаланилиши ҳафини туғдирмоқда. Ҳозирда кўп тарқалган мессенжерларни муаллифлари чет эл вакиллари ҳамда хизмат кўрсатаётган дастурлар чет эл серверларига жойлаштирилганини инобатга олсак қонун нуқтаи назардан ушбу ҳаракатларни чеклашни имкони йўқ. Шу нинг учун ушбу мақолада миллий мессенжер дастурдан фойдаланиш ва уни имкониятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Миллий мессенжер дастури My Agent номи билан Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали катта ўқитувчиси О. Алламов ва талабалар билан биргаликда ишлаб чиқилган. My agent дастурининг сервер қисмини умумий кириш кўриниши қуйидагича



1-rasm. Milliy messenger dasturining kirish qismi

Бунда кўришиб турибдики никноми ва порт маълумотлар киритилиши ҳам мумкин ёки дастур автоматик тарзда танлаши ҳам мумкин. Ушбу датур фойдаланувчилар орасида ахборот алмашиш имконини беради.

Маълумотлар серверга сақланмайди. Ушбу дастурни бирор соҳа вакиллар қўллаб, ўзаро муносабатларни амалга оширишлари мумкин. Қуйида My agent 1.0 дастурининг сервер қисмини умумий кўриниши келтирилган.



2-rasm. My agent 1.0 дастурининг сервер қисмини умумий кўриниши

Бунда кўришиб турибдики дастур 5 та қисмдан иборат:

Менюлар сатри

**Сухбатлар майдони**

Фойдаланувчилар рўйхати

**Сана кўрсаткичи**

Жўнатиш сатри


**Менюлар сатрида** — дастурни сошлаш, параметрларини ўзгартириш ва тармоқда фаолият олиб бораётган фойдаланувчиларни тахрирлаш ишларини олиб бориш мумкин.

**Сухбатлар майдони** — асосий вазифаси тармоқда фаолият олиб бораётган фойдаланувчилар ўртасида ўзаро сухбатни кўрсатишдир. Фойдаланувчилар қандай ҳолатда турганини маълумотларини кўрсатиши мумкин.

**Фойдаланувчилар рўйхати** — вазифаси тизимда фаолият олиб бораётган фойдаланувчилар рўйхатини ўзида акс эттиради. Фойдаланувчилар тизимдан чиққанда уларни рўйхатдан ўчиради.

**Сана кўрсаткичи** — вақт кўрсаткичлари ҳақида маълумот сақлаш учун ишлатилади. Вақт серверни вақти билан юритилади.

**Жўнатиш сатри** — текстли турдаги маълумотларни жорий ҳолатга ёзиб жўнатишлари мумкин.




3-rasm. My agent 1.0 dasturining server qismini parametrlarini ўzgartirish

Admin panel menyusini asosiy vazifasi tizimda faoliyat olib borayotgan foydalanuvchining imkoniyatlarini cheklash va ularni tizimdan foydalaniش ёки foydalanmaslik huquklarini belgilash uchun ishlatiladi. Quyida *My agent 1.0* dasturining klient qisimga kirish interfeysi keltirilgan



4-rasm. My agent 1.0 dasturining klient qisimga kirish

Серверга боғланиш учун сервер компьютернинг ман-зилини ёки номини киритиб, порт ва ник номларини ки-ритиб боғланиш тугмасини босиш этарли.



5-rasm. My agent 1.0 дастурининг килент қисмига умумий кўриниши

Бунда кўриниб турибдики дастур 5 та қисмдан иборат:

Менюлар сатри

**Сухбатлар майдони**

Фойдаланувчилар рўйхати

**Сана кўрсаткичи**

Жўнатиш сатри

**Менюлар сатрида** — клиент дастурни ўзига тегишли созлашни амалга ошириши ва параметрларини ўзгартириши олиб бориш мумкин.

**Сухбатлар майдони** — асосий вазифаси тармоқда фаолият олиб бораётган фойдаланувчилар ўртасида ўзаро сухбатни кўрсатишдир. Фойдаланувчилар қандай ҳолатда турганини маълумотларини кўрсатиши мумкин.

**Фойдаланувчилар рўйхати** — вазифаси тизимда фаолият олиб бораётган фойдаланувчилар рўйхатини ўзида акс эттиради. Фойдаланувчилар тизимдан чиққанда уларни рўйхатдан ўчиради.

**Сана кўрсаткичи** — вақт кўрсаткичлари ҳақида маълумот сақлаш учун ишлатилади. Вақт серверни вақти билан юритилади.

**Жўнатиш сатри** — текстли турдаги маълумотларни жорий ҳолатга ёзиб жўнатишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Му agent дастури махсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида фойдаланувчи дунёнинг ихтиёрий жойидаги маълумотни ва ҳужжатларни жўнатишингиз ҳамда қабул қилиб олишингиз мумкин. Лекин ундан фойдаланиш учун фойдаланувчи бирор локал ёки интернет тармоғига боғланган бўлиши керак. Агар сизда дастурнинг қилент қисми бўлса тармоққа уланиш имконияти бўлади. Дастур клиент – сервер технологияси асосида ишлаб чиқилган. Дастур қуйидаги вазифаларни бажаришга мўлжалланган:

- Му agent дастурига ўзини ник номи билан киришни учун интерфейс ишлаб чиқилган;
- Дастурнинг бошқа аъзолари билан маълумот алмашиш учун windows socket компонентасидан фойдаланилган ва windows муҳитида ишлашга мослаштирилган;
- Ўзининг ник маълумотларини ўзгартириш учун интерфейс яратилган;
- Клиентларни дастурдан фойдаланиш рухсатларини бериш ва олиб қўйиш учун интерфейс яратилган;
- Серверни имкониятларини ўзгартириш ва унинг фойдаланувчини талабига қараб мослаштириш учун имкониятлар келтирилган;
- Яратилган Му agent дастури локал ва глобал тармоқда ишлатиш ва фойдаланувчилар ўртасида ҳавфсиз маълумот алмашиши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. С. С. Гуломов, А. Т. Шермухаммедов, Б. А. Бегалов «Иктисодий информатика» Тошкент, Ўзбекистон, 1999
2. Р. Тойлоков, «Ахборот ва ахборот технологиялари», Тошкент, Ўзбекистон, 1999
3. Steven Holzner, Steve Holzner Visual Basic 6 Black Book: The Only Book You'll Need on Visual Basic Paperback — July 1, 2002